

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТГА ВА МЕҲНАТГА ҚАЙТАРИШ

**Ханапияев Умарали Баратович,
Базаров Икром Махмудович, Шокиров Махмуд Хатамович**

Калит сўзлар: компенсация, компенсатор, стереотип, динамик, механизация.

Мехнат қилиш қобилиятини текширишда харакат паталогик жараённинг оғирлиги, унинг хусусиятлари ва характеристи, балки бузилган функцияларнинг компенсацияланиш даражасини хам баҳолаш керак.

Нотўғри эксперт қарорлари замирида паталогик жараённинг оғирлигига ортиқча баҳо бериш ётади. Мавжуд бузилишлар компенсацияси ортида яширинган паталогик жараённинг оғирлигига етарлича баҳо бермаслик:

Компенсаторли жараённинг ривожаланишини рағбатлантирувчи ёки аксинча уларнинг ривожанишига тўсқинлик қилувчи омилларга етарлича баҳо бермаслик ва х.к.

Бир марта ишлаб чиқилгандан сўнг, барча кейинги даврлар учун динамик стереотип асаб энергиясини сақлашга ёрдам беради, асосий жараёнларнинг кенгайишини аниқлаш туради. Айнан битта касбда ва ишлаб чиқариш шароитида узоқ муддат ишлаш, кун, йиллар давомида доимий турмуш тарзини сақлаб қолиш катта ярим шарларида динамик стереотипни шакллантиришга олиб келади. Бош мия қобигида қўзғалишлар ва тормозланиш ўчоқлари пайдо бўлишининг бир хил кетма-кетлиги вақт ўтиши билан мустахкамланиб ишлаб чиқариш кўникмалари аста-секин ривожланиб боради ва инсон фаолятининг тегишли шакллари автоматлаштирилади. Бунинг натижасида касбга доир ишларнинг бажарилишига анча осонлашади. Динамик стереотип бузилганда одатий машғулот тўхтатилганда ички жараёнларнинг мураккаб ва мослашган тизим бузилади. Янги динамик стереотипни хосил бўлиши улкан асаб зўриқишини талаб қиласди.

Шунинг учун шаклланган динамик стереотипни яни имкон қадар барча холатларда олдинги касб, иш муҳити, ишлаб чиқариш фаолияти элементларини сақлаб қолиш нихоятда мухимдир. Бунинг учун аввал олинган кўникмалар қисман ишлатилиши мумкин бўлган ушбу ва бошқа бир қатор касблар бўйича бир қатор иш турлари тўғрисида хабардорлик талаб этилади. Динамик

стереотипни ўзгариши, такомиллашиши шу билан организмнинг нисбатан юқори даражада мослашувини таъминлаш мумкин.

Ишга жойлаштиришни ногиронларни меҳнат фаолиятига тайёрлаш ва жалб қилишнинг динамик жараёни сифатида қабул қилиш керак. Меҳнаткашларни меҳнат шароитлари ва қундалик хаётининг яхшилашни механизациялаш ва автоматлаштириш, техник тараққиёт нотўлиқ иш хафтаси ва иш кунига ўтиш меҳнатнинг хусусияти ва меҳнат жараёнининг физиологик хусусиятларини ўзгартиради. Буларнинг барчаси ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтиришни янги босқичи хисобланади.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши меҳнатининг шароитини ўзгартиради, инсоннинг янада такомиллашишига, янги меҳнат кўнилмаларини шакллантиришга олиб келади, ижодкорлик учун имкониятларни оширади, электрлаштириш, автоматлаштириш, механизациялаш, кимёвийлаштириш бир томондан меҳнатни енгиллаштиради, бошқа томондан оддий стереотипни бузади. Лекин хозирги кунда меҳнат захиралари ва ижтимоий фойдали меҳнат фаолиятига қайтаётган ногиронлиги бўлган шахсларни тиклаш бўйича давлат манфаатларини бирлаштириш учун реал имкониятлар яратилади (ишхоналарда ногиронлиги бўлган шахсларга квота типида). Ушбу имкониятларни тўлиқ амалга ошириш ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш масалаларини хал қилишга илмий ёндашиш шарти билан эришиш мумкин, унинг дастлабки босқичи бўлиб ТМЭК нинг меҳнат тавсияси хисобланади. Ногиронлиги бўлган шахсни иш билан таъминлаш мувофақияти ва сифати унинг турғунлиги тасдиқланганлиги ва илмий асосланганлигига боғлиқ.

Функционал диагностика усуслари организм функционал холатини компенсаторли мослашув механизмларини, меҳнат жараёнининг ногиронлиги бўлган шахсни меҳнат қобилятига таъсирини аниқ баҳолашга имкон беради. ТМЭК нинг меҳнатга оид тавсиялари ва ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлаш сифатини баҳолаш учун функционал тадқиқотлар ишлаб чиқариш жараёнида ўтказилади. Организмнинг турли тизимларининг касбий фаолият жараёнида уларга қўйиладиган талабларга реакциясини ўрганиш натижасида бузилган функцияларини тиклаш ёки компенсациялаш қобиляти аниқланади. Бу хар бир алохида холатда меҳнатга зарурый чекловларни белгилашга шунингдек мавжуд шароитларни ва ишнинг хусусиятларини аниқлашга имкон беради. Ишлаб чиқариш шароитидан олиб функционол тадқиқотлар ногиронлиги бўлган шахсларни меҳнат қобилятини оширишнинг мақбул йўлини аниқлашга ёрдам беради.

1. Функционал – тиклантирувчи даволаш.

2. Ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида организмга қўйилган талабларни камайтириш.

3. Қайта ўқитиш.

Шуларга кўра ногиронлиги бўлган шахсларни нафақат енгил иш турларини балки ўртacha жисмоний куч талаб этиши мумкин бўлган ишларни хам бажаришга жалб этилиши мумкин. Мехнат тавсияларини аниқлаб олишда бошқа касбни танлаш ёки олдинги касбида ишлашни давом эттириш учун кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар ўрнатиш керак. Ногиронлиги бўлган шахслар учун мехнат тавсияларда кўрсатилган чекловга мувофиқ касбларни танлашни асосий мезонлари бўлиб ижтимоий ва биологик омиллар хисобланади.

Асосий касб:

- Малака
- Мехнат шароитлар ва табиатан қизиқиши
- Шахсий истаги
- Маълумоти
- Ёши
- Жинси ва бошқалар.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун мехнатга оид тавсияларни белгилашда уларнинг касбий анализи мухим ахамиятга эга:

1. Асосий касб
2. Мутахасислик
3. Ногиронлик пайдо бўлишидан олдин олинган кўнилмалар
4. Касбни ўзгартириш
5. Мехнат пайтидаги жароҳатлар.

Ногиронлиги бўлган шахсларни касбини ўзгартириш фақатгина касблар санаб ўтилган ва одатда ногиронлиги бўлган шахсларни касбини ўзгартириш сабаблари кўрсатилмаган касбий йўналиш билан алмаштириш мумкин эмас. Мехнат қобилиятини баҳолаш ва иш бўйича тавсияни бажарилган ишнинг холатини ва шароитларини, яъни касбнинг санитария гигиена тавсидини хисобга олмасдан бериб бўлмайди. Мехнат бўйича тавсияларни белгилашда текширувдан ўтувчининг малака тоифасини хисобга олиш керак. Малака ва малакасиз иш учун мехнатга оид тавсиялар мазмуни ва шакли жихатидан бутунлай бошқача бўлади. Малакали ишчига чекловларни янада кенгроқ тавсия этиш мумкин:

- A. Нотўлиқ иш куни
- Б. Қўшимча ишчи кучини ажратиш
- В. Ишда қўшимча танаффуслар бериш.

Шу билан бирга холатларнинг кўп қисмида чекловлар тиббий профилактика муассасаларининг ВОК хulosаси билан берилиш мумкин.

Ногиронлиги бўлган шахс тан олинган малакаси паст бўлган ишчига меҳнат тавсияномаси ишга жойлашишини мураккаблаштирмасликка ёки ишдан бўшатиш учун асос бўлиб хизмат қилмаслиги керак.

Ногиронлиги бўлган шахсларни динамик диспансер қузатувидан ўтадиган малакали касбларга ишга жойлаштириш кўрсаткичлари сифати, даражаси кенгайтирилиши керак. Ногиронлиги бўлган шахсларни касбини ўзгартириш меҳнат прогнозига мувофиқ белгилаш керак. Нотўлиқ ёки тўлиқ ўрта маълумотга эга бўлган малакали касбга эга бўлмаган ёшларга кўпинча ўқиш ва қайта таёrlашни тавсия этиш керак. Ногиронлиги бўлган шахсларни меҳнат фаолиятини ташкил қилиш, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигидаги хақиқий иш билан таъминлаш ТМЭК, тиббиёт муассасалари, ижтимоий таъминот бўлимлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятидаги муҳим босқич хисобланади.

Иш жойидаги меҳнат шароитини ўрганиш ТМЭК нинг меҳнат тавсияларининг хақиқий меҳнат шароитига мувофиқлигини аниқлашга имкон беради. Бундай холда шифокор-эксперт меҳнат тавсияларида санаб ўтилган чекловлар ногиронлиги бўлган шахснинг соғлиғи, холатига мос келишини аниқлаб бериши керак. Ногиронлиги бўлган шахсларни хақиқий иш билан тамиnlашни ўргатиш меҳнат қобилиятини ва меҳнатга оид тавсияларни баҳолашнинг тўғрилигини таъминлашга имкон беради. Хақиқий ишга жойлашиш ва тақдим этилган енгил шароитларни таҳлил қилиш ногиронлик динамикасида рационал ишга жойлаштиришнинг ахамиятини аниқлашга имкон беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Асилова С.У., Рузибаев Д.Р. Медико-социальная экспертиза и реабилитация больных и инвалидов после эндопротезирования тазобедренного сустава. 2015. - №2. С. 54-57. (14.00.00, №39)
2. Асилова С.У., Рузибаев Д.Р. Восстановительное лечение и профилактика осложнений после тотального эндопротезирования тазобедренного сустава. Журнал Теоретической и Клинической Медицины. – Ташкент, 2015. - №2. С. 84-86.
3. Асилова С.У., Рузибаев Д.Р., Эшназаров К.Э. Изучение статико-динамической функции тазобедренных суставов и оценка трудоспособности больных после эндопротезирования. Журнал Теоретической и Клинической Медицины. – Ташкент, 2016. - №3. С. 69-73.
4. Гришина Л.П., Талалаева Н.Д., Амирова Э.К. Анализ инвалидности в Российской Федерации за 1970-1999 гг и ее прогноз до 2015г. //Медико-социальная экспертиза и реабилитация, М., 2001, №2, – С. 27-31.
5. (2-илованинг Касбий реабилитация қилиш дастури Ўзб Республикаси нинг 2017 йил 13 мартағи 130-сонли қарори таҳририда –ЎРҚХТ, 2017 йил 15-сон 249 модда). Ногиронлиги бўлган шахсларни касбий реабилитация қилиш дастурининг бажарилиши тўғрисида.